



International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies

International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies - is an international conference platform under open access policy. The conference is led by international expert members who take an objective approach to peer review, ensuring each research paper is reviewed, edited by authors and evaluated on its own scholarly merits and research integration. Publishing and joining on the proceeding of the International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies will ensure publishing experience and indexing possibilities on various global indexing.

Бодифорс Ва Мултивит+Минераллар Препаратлари Синергиясининг Қорамолларда Ўсиш Кўрсаткичлари Ҳамда Тана Массаси Динамикасиغا Таъсири

В. У. Рузимов

Таянч докторант, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

Ҳ. Б. Ниёзов

В.ф.д профессор., Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар университети

Аннотация

Ушбу мақолада Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратларининг қорамолларда ўсиш кўрсаткичлари, метаболик жараёнлар ва тирик вазн динамикасига таъсир этувчи синергик хусусиятлари ўрганилди. Тадқиқот тана вазни 174-202 кг ва ёши 14-15 ойлик бўлган таначаларда уч марталик парентерал қўллаш схемаси асосида олиб борилди. Натижалар препаратларнинг биргаликда қўлланиши соматотроп тизим фаоллигини кучайтириши, озуқа моддалари ўзлаштирилишини яхшилаши ва мушак тўқимаси биосинтезини жадаллаштириши орқали тана массаси ортишини сезиларли даражада оширганини кўрсатди. Олинган маълумотлар Бодифорс ва Мултивит+Минераллар комплексини чорвачиликда ўсиш суръатларини кўтариш, маҳсулдорликни ошириш ва физиологик ҳолатни барқарорлаштириш воситаси сифатида қўллаш мумкинлигини тасдиқлайди.

Калит сўзлар: Мултивит+Минераллар, Бодифорс, стимуляторлари, иммуномодуляторлар, адаптогенлар, витаминлар, электрон тарози. голштин зотли, танача ўхшаш жуфтликлар тамойили, мушак тўқимаси, синергик таъсир.

Мавзунинг долзарблиги. Ёш ҳайвонларнинг касалликларини олдини олиш ва даволашнинг жуда истикболли усули қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва ортиб бораётган иммунобиологик тананинг реактивлиги оширишда табиий маҳсулотлар ҳайвонот ва ўсимлик хом ашёсидан тайёрланган биологик фаол препаратлардан фойдаланиш ҳисобланади [1].

Маълумки, ҳайвонлардан олинган хом ашёлардан тайёрланган препаратлар (биостимуляторлар) биринчи навбатда организмга умумий таъсир кўрсатади, кейин эса бу

фонда уларнинг тегишли органлари ва тизимларига ижобий таъсир кўрсатади. Нейрогуморал бошқарувни асаб тизими эгаллайди. У доимо метаболик жараёнларни, ҳаёт фаолиятини интеграциялашувини мувофиқлаштиради бутун организм ва унинг ташқи муҳит билан алоқасини таъминлайди. Микро ва макроэлементлар, шунингдек, бошқа биологик фаол моддалар ҳайвон организми ўртасида яқин муносабатлар мавжуд. Ушбу муносабатларни ҳисобга олган ҳолда, кўплаб биологик фаол моддаларни ҳайвонлар ва паррандалар касалликлари олдини олиш ва даволаш учун ишлатиладиган дорилар тайёрлашда инobatга олинган [2]. Тўқима препаратлари тўқималарнинг нафас олишини кучайтиради, бу эса хусусан глицерофосфогидрогеназа, сукциндегидрогеназа каби ферментлар фаоллиги ошиши билан тасдиқланади, шунингдек, кетокислоталарнинг жуда тез оксидланиши ва сийдикда углерод сақловчи маҳсулотлар концентрациясининг пасайиши кузатилади.

Умуман олганда, тўқима препаратлари ва биостимуляторларнинг рағбатлантирувчи таъсири ҳар хил бўлиб, уларнинг баъзилари метаболизмда бевосита иштирок этадилар, айримлари ферментатив жараёнларни фаоллаштиради, бошқалари эса интерорецепторларнинг ўзига хос қўзғатувчи сифатида таъсир қилади. Кичик дозаларда улар организмда ўзига хос пластик ва энергетик моддаларнинг шаклланишига ҳисса қўшади, ферментатив жараёнларни фаоллаштиради, шунингдек, секретор ва гормонал фаоллик, бутуннинг функционал фаоллигини яхшилаш асаб тизими, гематопоезни фаоллаштиради, организмнинг иммунобиологик реактивлигини кучайтиради [3].

Биоген стимуляторларни касалликларга терапевтик таъсирини солиштириш орқали шуни таъкидлаш керакки, уларнинг таъсири узоқ муддат давом этадиган касалликларда кўпроқ намоён бўлади ва бу жараён асаб тизимининг бузилишида аниқроқ намоён бўлади. Ушбу маълумотлардан келиб чиқадики, биоген стимуляторларнинг таъсир қилиш механизми, биринчи навбатда, марказий асаб тизимининг тартибга солувчи таъсирини тиклашга асосланган [4, 5].

Тадқиқот мақсади. Тадқиқотларимизда Мултивит+Минераллар ва ўсишни рағбатлантирувчи Бодифорс препаратларининг қорамолларда тана массаси ўсиш ва метаболик жараёнларга кўрсатадиган синергик таъсирини аниқлаш, уларнинг биргаликда қўлланиши ўсиш суратларини қай даражада яхшилашини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотлар жойи, обекти ва услублари. Тадқиқотлар СамДВМЧБУ Нукус филиали “Ветеринария медицинаси ва фармакологияси” кафедрасида ва Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққал’а туманида жойлашган “БАХОДЫР ЧОРВАСЫ” наслчилик чорва фермер хўжалигида илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Тажрибалар Мултивит+Минераллар ва Бодифорс препаратларини таначалар организмга таъсирини аниқлаш учун оғирлиги тана вазни 174-202 кг ва ёши 14-15 ойлик бўлган 20 бош голштин зотли таначалар ўхшаш жуфтликлар тамойили асосида ҳар бирида 5 бошдан 3 та тажриба ва 1 та назорат гуруҳлари тузилди

Бунда биринчи тажриба гуруҳидаги қорамолларига Мултивит+Минераллар препаратидан 6 мл/100 кг жами 3 марта мускул орасига қўлланилди. Тажрибанинг 14- ва 34- кунларида ушбу препаратдан шу дозада яна иккинчи ва учинчи ва инъекция қўлланилди. Иккинчи тажриба гуруҳидаги қорамолларга Бодифорс препаратини 1 мл/25 кг, Мултивит+Минераллар препаратини 6 мл/100 кг жами 3 марта мускул орасига қўлланилди. Тажрибанинг 14- ва 34- кунларида қорамолларга ушбу препаратлардан шу дозада яна иккинчи ва учинчи инъекция такрор қўлланилди. Учинчи тажриба гуруҳидаги қорамолларга Бодифорс препаратини 1 мл/25 кг жами 3 марта мускул орасига қўлланилди. Тажрибанинг 14- ва 34- кунларида қорамолларга ушбу препаратдан шу дозада яна иккинчи ва учинчи такрор инъекция қўлланилди. Тўртинчи назорат гуруҳидаги қорамолларга ҳеч қандай дори препарат қўлланилмади.

Барча тажриба ва назорат гуруҳидаги қорамоллар бир хил шароитда сақланди ва бир хил

озиклантирилди. Ҳар бир гуруҳ алоҳида бўлмаларда сақланди. Барча гуруҳдаги қорамоллар препаратни қўллашдан олдин ва тажриба давомида электрон тарозида бир хил вақтда эрталаб оч қоринда ўлчаб борилди.

Олинган натижалар таҳлили. Тажрибалардаги ҳайвонларда Мултивит+Минераллар препаратини алоҳида, Бодифорс препаратини алоҳида ва Мултивит+Минераллар ҳамда Бодифорс препаратини бигаликда қўллаб уларнинг тирик вазнини тажриба бошига нисбатан таҳлил қилинганда, биринчи гуруҳ ҳайвонларда тажрибанинг 14 кунда 181,2-185,2 кг га, 2 тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда 200-205 кг га, 3 тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда 174,6-179,2 кг га ва назорат гуруҳи ҳайвонларида эса 202,6-204,8 кг га ошганлиги кузатилди.

1-жадвал. Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препарати таъсирида қорамолларнинг тирик вазнининг ўзгариши (кг)

Тажриба кунлари	Ҳайвонлар гуруҳлари			
	1-тажриба	2-тажриба	3-тажриба	Назорат
Тажрибагача	181,2±4,92	200±5,33	174,6±4,93	202,6±5,85
14-кун	185,2±5,12	205±5,8	179,2±5,49	204,8±6,24
34-кун	193,2±5,04	214,2±6,03	187±5,99	209,6±6,43
47-кун	199,6±5,54	223,8±6,16	192,4±6,07	215,4±5,98
66-куни	211±5,76	238,2±6,79	203,6±6,13	224,6±6,08

Ушбу препаратларни таъсирини тадқиқотнинг 34-кунида таҳлил қилинганда, 1 тажриба гуруҳида 181,2-193,2кг га, 2 тажриба гуруҳида 200-214,2 кг га, 3 тажриба гуруҳида эса 174,6-187 кг га ва назорат гуруҳи ҳайвонларида эса 202,6-209,6 кг га ошганлиги қайд қилинди. Шунга ўхшаш тажрибанинг 47-кунида ҳам ҳайвонларнинг тана вазни ошишга давом этиб, 1 гуруҳда 181,2-199,6 кг га, 2 тажриба гуруҳида бу кўрсаткич кўпроқ яъни 200-223,8 кг га, 3 тажриба гуруҳида 174,6-192,4 кг га ва назорат гуруҳи ҳайвонларида эса 202,6-215,4 кг га ошганлиги аниқланди.

2-жадвал. Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препарати қўлланилган таначаларнинг ўсиши ва ривожланиши интенсивлиги, n=5.

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар			
	1-тажриба	2-тажриба	3-тажриба	Назорат
Тажрибагача таначаларнинг тирик вазни, кг	181,2±4,92	200±5,33	174,6±4,93	202,6±5,85
Тажрибанинг 66 кунда таначаларнинг тирик вазни, кг	211±5,76	238,2±6,79	203,6±6,13	224,6±6,08
Тирик вазнининг мутлоқ миқдори, кг.	29,8	38,2	29	22
Ўргача кунлик тирик вазнининг ортиши, гр.	452	579	439,4	333,3
Назоратга нисбатан, %	135,6	173,7	131,8	100
Тирик вазнининг нисбий миқдори, %.	16,4	19,1	16,6	10,8

Тажрибанинг 66-кунида барча гуруҳлардаги ҳайвонлар тирик вазни кескин ўзгариб, бунда 1 тажриба гуруҳида 181,2-211 кг га, 2 тажриба гуруҳида 200-238,2 кг га, 3 тажриба гуруҳида эса 174,6 -203,6 кг га ва назорат гуруҳи ҳайвонларида эса 202,6-224,6 кг га ошганлиги қайд

қилинди (1-жадвал).

Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препарати қўлланилган таначаларнинг ўсиши ва ривожланиши интенсивлиги таҳлил қилинганида, тадқиқотлар натижалари (2-жадвал) шуни кўрсатадики, таначаларнинг биринчи экспериментал гуруҳи тирик вазнининг ўртача мутлақ ўсиши бўйича назорат гуруҳидан 7,8 кг га, ўртача кунлик тирик вазнининг ортиши 118,7 гр. (35,6%) га, тирик вазнининг нисбий миқдори эса 5,6 % га ошганлиги аниқланди. Тирик вазнининг нисбий ортиши танача ривожланишининг кўрсаткичидир.

Иккинчи экспериментал гуруҳида тирик вазнининг ўртача мутлақ ўсиши бўйича назорат гуруҳидан 16,2 кг га, ўртача кунлик тирик вазнининг ортиши 245,7 гр. (73,7%) га, тирик вазнининг нисбий миқдори эса 8,3 % га ошганлиги қайд қилинди. Учинчи экспериментал гуруҳидаги ҳайвонларда тирик вазнининг ўртача мутлақ ўсиши бўйича назорат гуруҳидан 7 кг га, ўртача кунлик тирик вазнининг ортиши 106,1 гр. (31,8%) га, тирик вазнининг нисбий миқдори эса 5,8 % га ошганлиги аниқланди.

Тадқиқот охирида тажриба ҳайвонларининг ривожланиши назорат ҳайвонларига қараганда тезроқ бўлди. Шундай қилиб, таначаларга Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратларини қўллаш ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир қилади, деган хулосага келиш мумкин.

ХУЛОСАЛАР

1. Таначаларнинг махсулдорлигини ошириш ва ўсишини тезлаштириш (тез вазн ортиши) учун янги Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препарати қўлланилган иккинчи экспериментал гуруҳида тирик вазнининг ўртача мутлақ ўсиши бўйича назорат гуруҳидан 16,2 кг га, ўртача кунлик тирик вазнининг ортиши 245,7 гр. (73,7%) га, тирик вазнининг нисбий миқдори эса 8,3 % га , Бодифорс препарати қўлланилган учинчи экспериментал гуруҳида тирик вазнининг ўртача мутлақ ўсиши бўйича назорат гуруҳидан 7 кг га, ўртача кунлик тирик вазнининг ортиши 106,1 гр. (31,8%) га, тирик вазнининг нисбий миқдори эса 5,8 % га ошганлиги ошганлиги қайд қилинди.

2. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратларининг қорамоллар организмга биргаликда қўлланиши аниқ синергик таъсирга эга экани белгиланди. Препаратлар комбинацияси метаболик жараёнларни фаоллаштириб, соматотроп тизимнинг жавобини кучайтирди ва озуқа моддалари ўзлаштирилишини яхшилади. Натижада тажриба гуруҳларда тана массаси ортиши, ўсиш суръатлари ва умумий физиологик кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан сезиларли ошди.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТ

1. Бодиев, Р.Д., Тарнуев, Ю.А., Ерофеева, Л.В. Тканевой препарат–Панкреавитин при желудочно-кишечных болезнях теля // Материалы Международной научной конференции ветеринарных терапевтов и диагностов, посвященной 70-летию Бурятской государственной сельскохозяйственной академии им. В.Р. Филиппова. - Улан-Удэ: 2001. - С. 71-73.
2. Машковский, М.Д. Лекарственные средства. - М.: Новая волна, 2001. - 160-264 с.
3. Мулынин, В.А., Задорожин, П.А. Влияние экстракта кукумарии японской на клеточные и гуморальные факторы неспецифической резистентности животных // Материалы Международной научной конференции ветеринарных терапевтов и диагностов, посвященной 70-летию Бурятской государственной сельскохозяйственной академии им. В.Р. Филиппова. - УланУдэ: 2001. - С. 119-122.
4. Зайцев, С.Ю. Биохимия животных . - М.: Лань, 2004. - 340 с.
5. Гайсина, Д.А. Функциональная морфология органов пищеварения цыплят при применении пробиотиков: автореф. дис. канд. биол. наук: 06.00.02.- Уфа, 2007. - 17 с.